

2. Фермер хўжаликларида бузук, кўзилар туғилишидан олдин уларни сақлаш, парваришлаш, хоналарини, зоогигиеник нормативлар бўйича тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

3. Фермер хўжалик территорияси ичидаги барча макро-микро климатик кўрсаткичлар оптимум даражада бўлишини таъминлаш лозим.

4. Буғоз хайвонлар (сигирлар, совлиқлар) рациона илмий амалий жиҳатдан тўғри тузилиши ва уни қаттиқ назоратга олиш лозим.

## **ҚОРАКЎЛ СОВЛИҚЛАРДА АЛИМЕНТАР ДИСТРОФИЯНИНГ САБАБЛАРИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИ**

**О.Чориев – магистрант, Б.Бакиров - илмий раҳбар, в.ф.д., доцент**

**Аннотация.** Мақолада Сурхондарё вилояти шароитидаги қоракўл совлиқларда алиментар дистрофия касаллигининг сабабларини аниқлаш мақсадида рацион таҳлил қилинган ва 4 вариантда олдини олиш тажрибалари ўтказилган ҳамда муқобил олдини олиш варианты ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** Алиментар дистрофия. Рационнинг таҳлили. Гуруҳли олдини олиш. Ультракетост. Тривит.

**Мавзунинг долзарблиги.** Қоракўл совлиқларнинг алиментар дистрофия касаллиги метаболизм бузилишлари орасида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири ҳисобланиб, республикаимиз ҳукумати томонидан чорвачиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган аграр ислохатларнинг амалга оширилишида тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Сурхондарё вилояти шароитидаги қоракўл совлиқларда алиментар дистрофия касаллигининг сабабларини аниқлаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Фермер хўжалиги шароитидаги қоракўл зотли совлиқлар рационини зоотехник таҳлилдан ўтказиш орқали алиментар дистрофия касаллигининг сабабларини аниқлаш. Мавжуд рацион тўйимлилигини ошириш негизида унга Ультракетост ВМОА ни қўшиш ҳамда мускул орасига Тривит юборишга асосланган гуруҳли олдини олиш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти ва услублари.** Тажрибалар Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманидаги Оқ қопчиғой ширкат хўжалигидаги қоракўл совлиқларда ўтказилди. Дастлаб рацион таҳлил қилинди. Тажрибалар учун жами 40 бош совлиқ танлаб олинди ва улар 10 бошдан 4 гуруҳга ажратилди. Биринчи гуруҳ назорат бўлиб хизмат қилди ва фақат хўжалик рационидида сақланди. Иккинчи гуруҳдаги совлиқлар рационининг тўйимлилиги 25% га оширилди. Учинчи гуруҳдаги совлиқлар рационининг тўйимлилигини 25% га оширишга қўшимча равишда ҳар 5 кунда бир мартадан мускул орасига 5мл дан Тривит юборилди. Тўртинчи гуруҳдаги совлар рационини 25%га ошириш ва Тривит ишлатишдан ташқари, кунига бир мартадан 0,5 г/кг дан Ультракетост ОВМОА емга аралаштирилган ҳолда берилди.

**Тажриба натижалари.** Хўжаликдаги совлиқлар рационини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, унинг умумий тўйимлилики билан таъминланиш даражаси ўртача 80%ни, ҳазмланувчи протеин билан-70, фосфор билан-68, қанд билан-10, каротин билан-40%ни ва кальций билан таъминланиш даражаси 140% ни ташкил этди. Ундаги қанд-протеин нисбати 0,2, кальций-фосфор нисбати эса 3,25 ни ташкил этиши аниқланди.

Олдини олиш тажрибаларида 3-тажриба гуруҳида қўлланилган тўйимлилиги 25% га оширилган ХР + ТРИВИТ + УЛЬТРАКЕТОСТ варианты самарали олдини олиш варианты эканлиги аниқланди. Тажриба гуруҳларидаги ўзгаришлар қондаги эритроцитлар сони, шунингдек, гемоглобин, умумий оқсил, глюкоза кўрсаткичлари билан назорат қилиб турилди. Бунда самарали гуруҳли профилактик даволаш мажмуини қўллаш совлиқларнинг ўртача тирик вазнини 1,8 мартага, ўртача жун қирқимини 45% га, янги туғилган кўзилар ўртача тирик вазнини 22% га ошириш, шунингдек, мажбурий сўйилиш ҳолларининг 20%

га олдини олдиниши орқали ҳар бош совлиқ ҳисобига ўртача 38950 сўмдан иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди.

**Хулоса:** Совлиқларда алиментар дистрофиянинг олдини олишда рацион тўйимлилигини 25% га ошириш, ҳар 5 кунда бир мартадан 5 мл миқдорида мускул орасига Тривит юбориш ва кунига 0,5 г/кг миқдорида Ультракетост ОВМОА ни омихта эмга аралаштирилган ҳолда беришга асосланган 60 кунлик гуруҳли профилактика усули энг самарали усул ҳисобланади.

## СИГИРЛАРДА АЛИМЕНТАР ОСТЕОДИСТРОФИЯНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Б.Ҳайитов – магистрант, Б.Бакиров - илмий раҳбар, в.ф.д., доцент**

**Аннотация.** Мақолада сигирларда алиментар остеодистрофияни даволаш бўйича 9 вариант, олдини олиш бўйича 3 вариантдаги тажриба натижаларининг изоҳи берилган ва муқобил даволаш ҳамда олдини олиш вариантлари ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар.** Алиментар остеодистрофия. Анъанавий даволаш. Инсулин. Гидрокортизон. Гуруҳли олдини олиш. Тривит. Ультракетост. Гепастимулин.

**Мавзунинг долзарблиги.** Маҳсулдор қорамолларда учрайдиган алиментар дистрофия касаллиги республикаимиз ҳукумати томонидан чорвачиликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган аграр ислохатларнинг амалга оширилишида тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Сигирларда алиментар остеодистрофия касаллигини даволаш ҳамда олдини олиш усулларины такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Касалликнинг яширин ҳамда биринчи ва иккинчи клиник босқичларида мавжуд анъанавий даволаш усулларины такомиллаштирилган ҳолда қўллаш ҳамда инсулин ва гидрокортизон препаратларини қўллашга асосланган *этиопатогенетик даволаш усулини* ишлаб чиқиш, шунингдек, мавжуд анъанавий олдини олиш усулларины такомиллаштирилган ҳолда қўллаш ҳамда Ультракетост ва Гепастимулин препаратларини қўллашга асосланган *гуруҳли олдини олиш усулини* ишлаб чиқишга қаратилган тажрибалар ўтказиш.

**Тадқиқотнинг объекти ва услублари.** Тажрибалар 2016-2017 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги Дўстлик фермер хўжаликлари уюшмасига қарашли “Йўлдош Абдирайим Тожихон-ЙАТ” фермер хўжалиги шароитидаги сигирларда олиб борилди. Даволаш тажрибалари учун алиментар остеодистрофиянинг ҳар уч босқичи билан касалланган 27 бош, яъни 3 бошдан 9 гуруҳга бўлинган сигирларда, олдини олиш тажрибалари эса ҳар бирида 5 бошдан сигир бўлган уч гуруҳда олиб борилди (1-жадвал).

**Тажриба натижалари** шуни кўрсатдики, даволаш тажрибаларида яширин босқичда АДУ-1+ИНСУЛИН, иккинчи босқичда АДУ-2+ИНСУЛИН вариантлари, учинчи босқичда эса АДУ-3+ГИДРОКОРТИЗОН варианты самарали даволаш вариантлари эканлиги аниқланди. Ушбу гуруҳлардаги ижобий силжишлар қондаги эритроцитлар сони, шунингдек, лейкоцитлар, умумий оқсил, умумий кальций, анорганик фосфор ва ишқорий фосфатаза фаоллиги кўрсаткичлари билан назорат қилиб турилди. Бунда даволаш муддатини 3-4 кунга қисқартириш, мажбурий сўйилиш ҳолларини 33,3-50 % га камайтириш ҳамда даволанган сигирларнинг ўртача тирик вазнини 12,5-54,5% га ошириш, шунингдек, сут маҳсулдорлиги пасайиб кетишининг 33,3-66,6% га олдини олиш орқали ҳар бош сигир ҳисобига ўртача 2118720 сўмдан иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берди.

Олдини олиш тажрибаларида эса 2-тажриба гуруҳида қўлланилган ХР+ТРИВИТ+УЛЬТРАКЕТОСТ+ГЕПАСТИМУЛИН варианты самарали олдини олиш варианты эканлиги аниқланди. Ушбу гуруҳлардаги ижобий силжишлар ҳам қондаги эритроцитлар сони, шунингдек, лейкоцитлар, умумий оқсил, умумий кальций, анорганик фосфор ва ишқорий фосфатаза фаоллиги кўрсаткичлари билан назорат қилиб турилди.